

ЎҚИТУВЧИ ПЕДАГОГИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

ЖДПИ катта ўқитувчиси, Ш.Камолова
Бахромова Озода, Педагогика ва психология
йўналиши талабаси

Аннотация: Ушбу мақолада бугунги куннинг долзарб мавзуларидан бўлиб, ўқитувчи педагогик қобилиятларини шакллантиришнинг психологик асослар ўрганиб чиқилган.

Калит сўзлар: Қобилият, педагогик қобилиятлар, коммуникатив қобилият, билиш қобилияти, диққатни тақсимлаш, авторитар қобилиятлар.

Соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни етиштириш узлуксиз таълим тизимида меҳнат қилаётган педагогнинг савиясига, тайёргарлигига ва фидоийлигига, унинг ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишига бўлган муносабатига боғлиқдир. Ўқитувчи жамиятнинг ижтимоий топшириғини бажаради, ҳар томонлама етук мутахассисларни тайёрлашда ўқитувчи муайян ижтимоий-сиёсий, педагогик ва шахсий талабларга жавоб бериши лозим. Ҳозирда таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган бош ислохатлардан кутилаётган натижа аввало, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш ва баркамол авлодни шакллантириш масаласи ҳар бир педагог олдида маъсулиятли вазифаларни қўяди. Бу борада президентимиз Ш.М.Мирзиёев “Мана шундай имкониятлардан самарали фойдаланиб, замон талабини ҳис етмасдан, эскича ишлашга энди ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Халқимиз бугун катта орзу-умидлар билан яшайпти. Бу орзу истакларни ким амалга оширади? Аввало, мана шу залда ўтирган раҳбарлар, мутасадди ва мутахассислар, **навқирон ёшларимиз**. Бунинг учун бизда куч ва имконият, **билим ва салоҳият ҳам**, қатъий ирода, интилиш ва азму шижоат ҳам етарли”¹.

“Таълим тўғрисида”ги Қонунни жорий етиш, замонавий дидактик таъминотни ишлаб чиқиш, ўқув-тарбиявий жараёни, илғор ўқув юр்தларини аттестациядан ўтказишни ва аккредитациялашни, янги типдаги таълим муассаларини ташкил етиш ҳамда енг асосийси “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ни ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ етишни тақозо етди. Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис етадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутди. Бунда, ўқув-тарбия ишлари жараёнида ўқувчи-талабаларни ижодий фикрлашга, ўзгарувчан

¹М.М. Mirziyoyev. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik- har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. -Т: O'zbekiston, 2017.-В.54

вазиятларга ўргатиш, эркин рақобат асосида фаолиятни ташкил этиш ҳамда уларнинг амалий машғулотларда ахборот технологиялари, электрон дарсликлар, версиялар ва мултимедиялардан фойдалана олиши муҳимдир. Бу эса талабаларда мустақиллик, эркин фикрлашни тарбиялаш, ўқув фаолиятини таҳлил қилиш, истиқболда касбий маҳорат ва саводхонлигини орттириш уларнинг ички еҳтиёжига айлантирилишини талаб этади.

Айтиш жоизки, ҳаётимизнинг барча соҳалари каби таълим тизимини ҳам тубдан янгилаш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Инновацион таълим муҳитини яратиш, уни халқаро андозаларга тўлиқ мослигини таъминлаш бугун тез ўзгарувчан ижтимоий ҳаётга ёшларимизни муваффақиятли ижтимоийлаштиришининг муҳим омилидир. Мазкур вазифанинг самарали ҳал этилиши ўз навбатида таълим жараёнининг яхлит тизими сифатида модернизациялашни тақозо этади. Хусусан, таълимнинг инновацион йўналганлигининг муҳим параметрларидан бири талабаларни таълим жараёни субъекти сифатида ўз фаолиятининг ижодкорига айланишини таъминлашдир. Мазкур мақсадга эришиш ўз навбатида талабаларни гуруҳларда, ҳамкорликдаги ишларини ташкил этишда намоён бўлади. Зеро, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим тизимининг “Юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларни илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга”² йўналтирилиши алоҳида таъкидлаб ўтилган. Демак, мазкур талаб биринчи галда рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш жараёнини ривожланишига тааллуқли бўлиб, ушбу жараён самарадорлигини ошириш касбий соҳадаги ўзгаришлар билан кенг маънода боғлиқдир. Ушбу кўрсатмаларни амалга ошириш малакали, рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш билан бирга, кенг доирадаги вазифаларни мамлакатда барқарор ижтимоий-сиёсий муҳитни шакллантириш, жамиятни демократлаштириш, иқтисодиётни бозор тамойиллари негизида замонавий мутахассисларни етказиб беришни назарда тутад. Шу сабабли улар ўз маҳоратларини узлуксиз ошира боришга, ҳозирги куннинг юксак талабларига мос замонавий билим ва тажрибаларни ўзлаштиришга, ижодий меҳнат қилишга интилоқдалар.

Шахсни ҳар томонлама баркамол инсон даражасида тарбиялаш ниҳоятда мураккаб жараён бўлиб, жуда қадим замонлардан буён ушбу фаолиятга жамиятнинг етук кишилари жалб этилган. Мазкур ҳолат ёш авлод тарбияси, унинг ташкил этилиши, мазмуни нафақат шахс камолоти, балки жамият тараққиётини ҳам белгилашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини англатади. Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячи педагогик билимларни ривожлантириши, бойитиши, чуқурлаштириши ва мустаҳкамлаши

²Kadrlar tayyorlash milliy dasturi G'G' Barkamol avlod – O'zbekiston taraqqiyotining poydevori – T.: – Sharq, 1997. – B.34

лозим. Педагогик вазифалар ва уларни хал этишда ўқитувчи истеъдодли, қобилиятли, ҳам маҳоратли бўлиши шарт.

Ўқитувчининг юксак ахлоқий қиёфаси, унинг маданияти, билимдонлиги, ҳис-туйғулари, қандай охангда гапириши, ўз соҳасини рисоладагидек билиши, дарс самарадорлигини ошириш, тарбиявий омиллар самарадорлигини ўргатиш шакл ва усулларини ўқитувчи-педагогик маҳорат фани туфайли ўрганиб оладилар.

Педагогик маҳоратнинг сирларини эгаллаш йўллари ўқитувчи раҳбарлигида олиб бориладиган машғулотлар ва мустақил педагогик фаолият жараёнида шаклланиб боради. Педагогик маҳорат сирларини мукамал эгаллашда ва уни такомиллаштиришида касбий жиҳатдан ўқитувчи ўз – ўзини доимий шакллантириб бориши, яъни ўз олдига қўйилган талаблар нуқтаи назаридан моҳир ўқитувчи шахсий фазилатларини ва касбий малакаларини шакллантиришга қаратилган фаолияти муҳим рол ўйнайди.

Педагогик маҳорат (ПМ)-бу ўқувчининг устоз-мураббийлик фазилатлари, ўқитувчилик касбининг сирларини чўқир эгаланмаганлиги, инсонийлик ва истеъдоди ҳамда интеллектуаль салоҳияти ва шу қабилари асосида ундаги касбий билим, тушинча, кўникма ва малакаларнинг мукамал шаклланган касбий фаолияти.

ПМдан кўзланган мақсад дарснинг сифати ва самарадорлигини оширишдан иборат бўлиб, у ўқитувчининг касбий-ижодий фаолиятидир. Бунда ўқитувчининг маҳорати таълим олувчилар ичидан кимга нимадир тушинарсиз бўлганлигини тезда (Ўз вақтида) илғай олиш қобилиятига боғлиқ бўлади.

ПМни ўқитувчида камида қуйидаги қобилиятлар мужассам бўлмоғи лозим:

- ўқитувчи дарс материални аниқ ва равшан баён қила олиши керак;
- ўқитувчи ўз таълим олувчиларини иложи бориша ўрганилаётган мавзу бўйича бир хил фикрга келтира олиши керак;
- ўқитувчи мавзу моҳиятини тўла очиб бера олиши керак ва керак бўлганда уларга бу мавзунинг улар касбий фаолиятидаги ўрни ва роли ҳақида ҳам тушинча бера олиш керак;
- дарс давомида бефарқхолда қатнашаётган талабани тезда дарс мазмунини ўрганишга жалб қила олиш керак;
- ўқитувчининг дарсини яна давом эттиришини хоҳловчи таълим олувчилар сони аудиториядаги жами таълим олувчиларнинг қанча қисмини таашкил этишини ҳам баҳолаб бориш ва бу орқали ўз дарс ўтиш технологиясини такомиллаштириб бориш имкониятига эга бўлиш;
- ўқитувчининг дарс мақсадига эришганлигини баҳолай билиши ва хулосалаш қобилияти ва шу қабилар.

Педагогик маҳорат бир қатор компонентлардан таркиб топади. У педагогика ва психология бўйича илмий билимларни, яъни касбий билимлар, касбий қобилият, педагогикэтика ва педагогиктехникани ўз ичига олади.

Педагогик маҳоратнинг асосий негизи бу – касбга оид билимларни пухта ўзлаштиришдан иборатдир. Ўқитувчи ўқув юртидаёқ илмий билимлар системасини пухта эгаллаб олиши керак. Педагогик маҳоратни эгаллашда психология ва педагогика фанига доир билимлар қатта рол ўйнайди. Илмий психологик ва педагогик билимлар системасининг мавжудлиги ўқитувчига

фақат ўз синфини ҳамда айрим ўқувчиларни ўрганиш ва уларнинг тўғри феъл атворларини тушунишгагина эмас, балки болалар жамоаси ва унинг ҳар бир аъзосини ривожланиш истиқболини ҳам белгилаш имконини беради.

Муваффақиятли ишлаш учун ҳар бир ўқитувчи педагогик маҳоратга эга бўлиши зарур. Педагогик маҳорат эгаси оз меҳнат сарф қилиб, қатта натижага эришади. Ижодкорлик ҳамisha унинг ҳамкори бўлади. Педагогик ишга қобилиятли, истеъдодли кишидагина педагогик маҳорат бўлиши мумкин, қобилият эса фаолият жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади. қобилиятли ва маҳоратли ўқитувчи олдида эса ҳозирги кун талаби асосида ватанимиз равнақи учун хизмат қила оладиган, буюк ватанни дилдан севадиган ва бу йўлда ўз жонини ҳам аямайдиган ёшларни ватанга меҳр – муҳаббат руҳида тарбиялаш вазифаси туради.

Ўқитувчи касби улуғ ва шарафли, мураккаб, ўз ўрнида масъулиятли касблардан биридир. Дунёдаги барча инсонларни қомил бўлиб етилишига ўқитувчи сабабчи бўлади. Барча жойлардаги ҳамма касб-ҳунар, илмли, олим-фузалолар ўқитувчининг меҳнати самарасидир. Ўқитувчи меҳнатини бирор нарса билан таққослаб бўлмайди. Ўқитувчи касбини эгаллашга интилаётган ҳар бир инсон ўзида аввало ирода, сабр-матонат, педагогик маҳоратни, ўқитувчи ихтисослигига хос билим, малака, кўникмаларни эгаллаши лозимдир.

Маҳоратли ўқитувчи ўзини маҳорат эгаси санаса, у қуйидаги билим, кўникма, малакаларни эгаллаган бўлиши зарурдир:

-Ўқитувчи дунёқараши кенг, ҳамма воқеа, ҳодиса устида эркинфикр юрита олиши зарурдир.

- Мустақил Ўзбекистонимиз ўқитувчиси биринчи галда ўзи ўқитадиган фанни чуқур эгаллаган бўлгандагина ўқувчиларда умумий ва касбий таълим сифатини ошира олади ва уларда фан - техника ҳамда амалий фаолиятга қизиқиш ва истақ ҳосил қила олади.

-Ўқитувчи ҳозирги замон илм фан-техника талабига мувофиқ яхши дарс бериши ва унинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиши зарур.

-Ўқитувчи яхши ўқитувчи бўлиши учун педагогика ва психологияга кўшиб, ўз фанининг методикасини яхши билмоғи лозим.

Ўқитувчининг умумий маданияти юқори бўлиши билан бирга бу касб адабиёт ва санъат соҳасидаги билимларга эга бўлишни талаб қилади.

-Ўқитувчи педагогик одобига риоя қилиши керак. Педагогик одоби ўқитувчи касбига хос фазилатлардан бўлиб, у ўқитувчининг ўқувчилар билан ишлаши жараёнида унинг тажрибаси ва маҳорати ошади.

-Ўқитувчи педагог маҳоратига ва ҳар томонлама билимга эга бўлиши керак, чунки унга ўқувчилар ҳар соҳада мурожаат қилишлари мумкин.

Мунтазам олиб бориладиган жонли педагогик фаолиятни ҳозирги замон талаблари билан узвийликда боғлаб илмий тадқиқотлар олиб борилиши натижасида “педагогик маҳорат” ҳодисаси турли фикр ва мулоҳазалар билан бойитилиб борилади. Жонли педагогик фаолиятда кузатиладиган “педагогик маҳорат” тушунчаси айрим белгилардан иборат бўлган объект каби тасаввур қилинмасдан, бўлинмас яхлит тушунча

ҳисобланган, яъни ўқитувчини мажбурий педагогик бўшқа киритадиган муносабатлар тармоғи ҳисобланган. Шу тарзда “педагогик маҳорат” моҳиятини, унинг асосий тушунчаларини, таркибини, барча идрок қилиш усулларини ҳозирги замон нуқтаи назаридан таърифлаш учун маълумотлар етарли эмаслигини тушуниш мумкин. Ва ниҳоят ўқитувчида ўқитувчига хос бўлган қобилиятлар мужассам этган бўлиши лозим. Унинг таркиби қуйидагилар: Гуманистик (инсонпарва йўналиши) қизиқишлар, қадриятлар, идеаллар; Ихтисослик билими, фанни, уни ўқитиш методикасини, педагогика ва психологияни билиш; Педагогик лаёқатлар: коммуникатив қобилиятлар, сўз, фикр – туйғу орқали муносабат, ўзаро фикр алмашув; фаҳм-идрокли бўлиш; турли қобилият кўринишлари, қирралари иқтидорлигига эга бўлиш; динамизм (ҳаракатчанг), фаол, олға силжиш; эмоционал (ҳис-туйғу жўшқин); қатъиятлик; кунт, сабот – чидамли; келажакка ишонч (келажакни кўра билиш); эътиборли, нуфузли бўлиш (ўз таъсирчанлиги билан маҳлиё, мафтун эта билиш); Педагогик техника ўз-ўзини бошқара олиш; бошқалар билан алоқа – муносабат ўрната олиш; кабилмакаларига эга бўлиш таълим-тарбия самарадорлигини таъминлашни қафолатлайди.

Адабиётлар рўйхати

1. М.М. Mirziyoyev. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik- har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak.-T: O'zbekiston, 2017.-B.54

2. Kadrlar tayyorlash milliy dasturi G'G' Barkamol avlod – O'zbekiston taraqqiyotining poydevori – T.: – Sharq, 1997. – B.34

3. Формирование научного мировоззрения студентов / М. Ш. Яхшиева, Ширин Камолова, Э. С. Эшонкулов [и др.]. — Текст : непосредственный // Актуальные задачи педагогики : материалы VI Междунар. науч. конф. (г. Чита, январь 2015 г.). — Чита : Издательство Молодой ученый, 2015. — С. 184-186. — URL: <https://moluch.ru/conf/ped/archive/146/6908/> (дата обращения: 31.03.2021).

4. Педагогические взгляды Абу Али ибн Сины (Авиценны) / Ш. У. Камалова, Р. У. Мунарова, Н. А. Ахмедова [и др.]. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2015. — № 9 (89). — С. 1068-1070. — URL: <https://moluch.ru/archive/89/17662/> (дата обращения: 31.03.2021).

5. Malikaxon Qodirova, [МАКТАБГАЧА YOSHDAGI BOLALARNING BILISH QOBILİYATLARINI RIVOJLANTIRISH](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 3 (2021): [Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari](#)

6. Malikaxon Qodirova, [МАШҒУЛОТЛАР ВА УЛАРНИНГ БОЛА ИДРОКИНИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2021): [Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari](#)

7. Malikaxon Qodirova, [O'SMIRLAR PSIXOLOGIYASI VA O'SMIR XULQ-ATVORINING O'ZIGA HOSLIGI](#), Журнал Педагогики и психологии

в современном образовании: № 3 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari

8.Malikaxon Qodirova, AGRESSIYANING NAZARIY ASOSLARI, Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 3 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari

9.Malikaxon Qodirova, ВОСПРИЯТИЕ " Я " У ДЕТЕЙ, Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2020): Journal of Pedagogy and psychology in modern education

10.Malikaxon Qodirova, ЧЕЛОВЕК И СТРЕСС, Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2020): Journal of Pedagogy and psychology in modern education

11.Jumanova, N. (2021). ХАРАКТЕРИСТИКИ ПРОБУЖДЕНИЯ БОЛЬШОЙ ГРУППЫ ДЕТЕЙ ЛЮБОВЬ К ЛИТЕРАТУРЕ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1366>

12.Jumanova, N. (2021). ПРОФИЛАКТИКА ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ДЕФЕКТОВ В РАЗВИТИИ ЛИЧНОСТИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1365>

13.Nasiba Jumanova, ЦЕЛИ И ЗАДАЧИ АКТИВАЦИИ, УСКОРЕНИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ, Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: Том 1 № 1 (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari

14.Obidova, D., & Nasiba, J. ANALYSIS OF THE ACTIVITIES OF HEALTH CARE INSTITUTIONS: PROSPECTS FOR THE APPLICATION OF PSYCHOLOGICAL KNOWLEDGE.

1. Sherboevna, N. J. (2020). THE USE OF INTEGRATED TECHNOLOGIES IN THE CULTIVATION OF CHILDREN'S SPEECH IN PRESCHOOL EDUCATION. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 8(2).

15.Dilfuza Qarshiboyeva, КРИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ У ПОДРОСТКОВ, Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari

16.Dilfuza Qarshiboyeva, IMPORTANCE OF PSYCHOLOGICAL KNOWLEDGE IN LEARNING FOREIGN LANGUAGES, Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: Том 1 № 4 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari

17.Qarshiboyeva, D. (2021). ЁШЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШДА ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР ҲАҚИДАГИ БИЛИМЛАР УЗЛУКСИЗЛИГИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, (2). извлечено от <https://art.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2906>

18.Toshpo'latova, N. (2021). СНЕТ ТИЛИ FANLARINI O'QITISHDA O'QUVCHINING INDIVIDUAL PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARINI HISOBGA OLISH USULLARI. Журнал Педагогики и психологии в

современном образовании, (2). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/3073>

19.Nodira Toshpo'latova, ПРИ ОБУЧЕНИИ ПОДРАСТАЮЩЕГО ПОКОЛЕНИЯ - УЧИТЫВАТЬ ПСИХИКУ УЧАЩИХСЯ, Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2021): [Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari](https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/3073)

20.Nodira Toshpo'latova, ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ РАЎБАРИНИНГ МУЛОҚОТИ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА, Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 3 (2021): [Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari](https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/3073)

21.Ахмедова Насиба Ачиловна, СОҒЛОМ МУҲИТ –СОҒЛОМ ОИЛА ТАЯНЧИ.<https://history.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2966/1982>

22.Ж.Мажидов.ПРОФЕССИОНАЛ ФУТБОЛ ЖАМОАЛАРИДА “ТРЕНЕР – СПОРТЧИ” ТИЗИМИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ <https://scienceweb.uz/publication/865>

23.Imomqulova, F. (2021). ОИЛАДАГИ ТАРБИЯ УСУЛЛАРИНИ БОЛАНИНГ МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШИШИГА ТАЪСИРИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, (2). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/3076>

24.Imomqulova, F. (2021). ОИЛАДА ЭР-ХОТИН МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, (2). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2962>

25. Imomqulova, F. (2021). ISSUES OF UPBRINGING IN UZBEK FAMILIES. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, (1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2620>

26.Imomqulova, F. (2021). ISSUES OF UPBRINGING IN UZBEK FAMILIES. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, (1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2620>

27.Хамдамов, Х. (2021). ЗНАЧЕНИЕ ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО ЗДОРОВЬЯ В ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ЛИЧНОСТИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, (2). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/3345>

28. Хамдамов, Х. (2021). МНОГОЗНАЧИТЕЛЬНОСТЬ ОБУЧЕНИЯ ВОЕННОЙ ПСИХОЛОГИИ В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ВОЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1374>